

ОЧИҚ ДАРС ИШЛАНМАСИ

Qarshi – 2015 yil.

ДАРСНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

<p>МАВЗУ: ТЎҒРИ ТЎРТБУРЧАК ВА КВАДРАТ ЮЗИ ФОРМУЛАСИ. ТАЯНЧ СЎЗЛАР: тўғри тўртбурчак, квадрат, юза.</p>
<p>МАВЗУНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ: тўғри тўртбурчак ва квадрат юзи формуласи.</p>
<p>ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ: Метод: “Венн диаграммаси” Шакл: аралаш. Воситалар: видеопректор. Назорат: савол-жавоб. Баҳолаш: рағбатлантириш.</p>
<p>ДАРС /АМАЛИЁТ/НИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ:</p>
<p>МАҚСАДЛАР: Таълимий: тўғри тўртбурчак ва квадрат юзи формуласини ўргатиш. Тарбиявий: мавзу орқали ўқувчилар онгига миллий ғурур, Ватанга муҳаббат ва садоқат ғояларини сингдириш. Ривожлантирувчи: ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ўз фикрини эркин баён этишга ўргатиш, тестга йўналтириш.</p>
<p>КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР:</p>
<p>Дарс /амалиёт/ якунида ўқувчи билади (Билим): тўғри тўртбурчак ва квадрат юзи топиш формуласини билади. Дарс /амалиёт/ якунида ўқувчи тушунади (Кўникма): тўғри тўртбурчак ва квадрат юзи топиш формуласи масалаларга қўллашни тушунади. Дарс /амалиёт/ якунида ўқувчи бажара олади (Малака): формулаларни қўллаб, мисол ва масалаларни бажара олади.</p>

ДАРС ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ БОСҚИЧЛАРИ		
ИШНИНГ НОМИ	БАЖАРИЛАДИГАН ИШ МАЗМУНИ	ВАҚТ
1-босқич: Ташкилий қисм	Саломлашиш. Давоматни аниқлаш.	3 мин
2-босқич: Рефлексия. Эҳтиёжларни аниқлаш.	Мустаҳкамлаш.	7 мин
3-босқич: Янги мавзу баёни	Инновацион усул.	20 мин
4-босқич: Мустаҳкамлаш	Интерфаол усул.	10 мин
5-босқич: Баҳолаш. Дарс якуни.	Рағбатлантириш. Хулоса.	3 мин
6-босқич: Уйга вазифа	Уйга вазифа бериш.	2 мин

ДАРСНИНГ МАВЗУСИ: ТЎҒРИ ТЎРТБУРЧАК ВА КВАДРАТ ЮЗИ ФОРМУЛАСИ

Дарснинг мақсадлари:

Таълимий мақсади:

тўғри тўртбурчак ва квадрат юзи формуласини ўргатиш.

Тарбиявий мақсади:

мавзу орқали ўқувчилар онгига миллий ғурур, Ватанга муҳаббат ва садоқат ғояларини сингдириш.

Ривожлантирувчи мақсад:

ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ўз фикрини эркин баён этишга ўргатиш, тестга йўналтириш.

Дарс тури: аралаш.

Дарснинг олиб бориш режаси:

- 1) Ташкилий қисм.
- 2) Ўтган мавзунини сўраш.
- 3) Савол-жавоб қилиш.
- 4) Уй ишини текшириш.
- 5) Математик технологияни қўллаш.
- 6) Масалалар ечиш.
- 7) Дам олиш дақиқаси.
- 8) Тестлар билан ишлаш.

Дарс навбатчи ахбороти билан бошланади. Ўқувчилар фикрини жамлаш учун қисқа савол-жавоб ўтказилади.

1. Ўнли саноқ системасини киритган олим?
2. Ақл гимнастикаси.
3. 2 га қаррали сонлар.
4. Тўғри тўртбурчак нима?
5. Энг кичик вақт ўлчови.
6. Отадек улуғ зот.

Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш учун “Венн диаграммаси”дан фойдаланамиз. Ўтилган мавзу “Тўғри тўртбурчак ва квадрат периметри”.




ЎХШАШЛИГИ

1. Учлари.
2. Томонлари.
3. Баландлиги.
4. Қарама-қарши томонлари тенг.

Янги мавзу баёни

**ШАКЛНИНГ ЮЗИНИ ЎЛЧАШ – ШАКЛ НЕЧТА
БИРЛИК КВАДРАТДАН ТАШКИЛ ТОПГАНИНИ
(ТУЗИЛГАНИНИ) БИЛИШ ДЕМАКДИР.**


ТЎҒРИ ТЎРТБУРЧАКНИНГ ЮЗИ



**ТЎҒРИ ТЎРТБУРЧАКНИНГ ЮЗИ АСОСИ (a)
БИЛАН БАЛАНДЛИГИНИНГ (h) КЎПАЙТМАСИГА
ТЕНГ:**

$$S = a \cdot h \text{ (квадрат бирлик)}$$

Тўғри тўртбурчакнинг юзини топиғ учун унинг кўшни
томонлари (бўйи ва эни)ни ўзаро кўпайтириш керак.



**КВАДРАТ ТОМОНЛАРИ ЎЗARO ТЕНГ ($a=b$) ТЎҒРИ
БЎРТБУРЧАК БЎЛГАНИ УЧУН, КВАДРАТНИНГ
ЮЗИ УНИНГ ТОМОНИ УЗУНЛИГИНИНГ
КВАДРАТИГА ТЕНГ:**

$$S = a^2 \text{ (квадрат бирлик)}$$

Мустаҳкамлаш

323-мисол. 1) $a = 25$ см, $b = 6$ см

$$p = ? \quad S = ?$$

$$\text{Ечиш: } p = 2(a + b)$$

$$p = 2(25 + 6) = 2 \cdot 31 = 62 \text{ (см)}$$

$$S = a \cdot b$$

$$S = 25 \cdot 6 = 150 \text{ (см}^2\text{)}$$

Жавоб: $p = 62$ см, $S = 150$ см².

324 – 326 – масалалар ҳам доскада бажарилади.

Дарс ўқитувчи томонидан умумлаштирилади ва хулосаланади.

Дарсда фаол иштирок этган ўқувчиларни жавоблари изоҳланади ва баҳоланади. Ўқитувчи дарсни хулосалайди.

Уйга вазифа.

330 – 331 мисоллар.